


*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 5-noyabr, payshanba, 126 (23.406)-son


**Кун ҳикмати**

Одамларнинг назарида бўлиш обрўдан кўра машаққатга яқиндир

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧИНЧИ ХИТОЙ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

**Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!**
**Ҳурматли делегациялар раҳбарлари ва кўргазма иштирокчилари!**

Авваламбор, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Жаноби Олийларига Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ушбу тадбирга ўз мамлакатларининг иқтисодий муваффақиятлари, энг янги ишланма ва маҳсулотларини намойиш этиш мақсадида йиғилган барча иштирокчиларни қутлайман.

Бугун ЭКСПО-2020 кўргазмасида 180 мамлакат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Бу ХХРнинг хорижий шериклар билан муносабатлари суръати ортиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Афсуски, коронавирус пандемияси халқаро иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон савдоси ҳажмлари камайди, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқалари қисман узилди.

Пандемия келтириб чиқарган глобал ижтимоий-иқтисодий инқироз икки томонлама ва минтақавий даражада янада яқин мувофиқлашув ва ҳамкорликка ўткир зарурат борлигини кўрсатди.

ЭКСПОдек йирик тадбирнинг ўтказилаётгани Хитойнинг миллий иқтисодиётни тиклашда эришаётган муваффақиятларидан ҳамда кенг кўламли халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ниҳоятда зарур эканидан далолат беради.

Бундай халқаро майдонлар иқтисодий мулоқотни ривожлантириш ва пандемия келтириб чиқарган глобал ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тез фурсатда ҳал этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, коронавирус инфекциясига қарши курашишда Ўзбекистонга кўрсатилган салмоқли ёрдам ва кўмак учун Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

**Ҳурматли кўргазма иштирокчилари!**

Ўзбекистон Хитой билан иқтисодиётларимиз ўзаро бир-бирини тўлдириб туриши асосида кенг иқтисодий шерикликда катта истиқболларни кўрмоқда.

Мамлакатимиз Шанхайда ўтказилган аввалги ЭКСПО кўргазмаларида фаол иштирок этди, бу икки томонлама савдо ва инвестициявий ҳамкорликка катта суръат бағишлади.

Бу сафар ҳам Ўзбекистон компаниялари, пандемияга қарамай, ушбу тадбирда кенг иштирок этмоқда.

**Қадрли дўстлар!**

Хитой Халқ Республикаси Раисининг савдо соҳасида барқарорликни таъминлаш, савдо тўсиқларини бартараф этиш, шунингдек, турли мамлакатлар иқтисодиётларининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш орқали глобал иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган янги стратегик курси Ўзбекистонда юксак баҳоланмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталишни истардим.

**Биринчидан.** Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни, шу жумладан ташқи савдо режимини либераллаштириш изчил амалга оширилмоқда.

Жаҳон савдо ташкилотига кириш ва янада қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича масалалар ҳал қилинмоқда.

Норматив-ҳуқуқий базамизни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Божхона-тариф, фискал тартибга солиш ва экспорт-импорт процедуралари механизмларини такомиллаштиряпмиз, уларни сезиларли даражада соддалаштиряпмиз, “яшил йўлаклар”ни шакллантириш давом этмоқда.

Икки мамлакат бозорларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатурасини келишиш ва уларни ишлаб чиқариш лойиҳаларига инвестициялар йўналтирилишини рағбатлантириш таклиф этилади.

**Иккинчидан.** Транспорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш муҳим йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда транспорт-транзит салоҳиятини жадал ривожлантириш, минтақада қуруқликдаги коммуникацияларнинг самарали тизимини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Биз минтақавий ва ҳудудлараро ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш учун кенг истиқболлар очиб бераётган “Бир макон, бир йўл” ташаббусини фаол қўллаб-қувватладик.

Бугун Марказий Осиё, Буюк ипак йўли даврларида бўлганидек, Европа ва Осиё ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит йўлакларининг хабига айланиши мумкин.

Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон янги мультимодал транспорт йўлаги очилганини олқишлаймиз, ушбу маршрут бўйлаб темир йўл қуриш лойиҳасини тезлаштириш тарафдоримиз.

Шунингдек, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида “қуруқликдаги портлар”, логистика ва улгуржи-дистрибьюторлик марказларининг интеграциялашган тармоғини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этамиз.

Марказий ва Жанбуий Осиё темир йўллари тизимларини боғлайдиган янги транспорт йўлакларини яратиш борасидаги ташаббуслар катта аҳамиятга эга.

Бу Евроосиё қитъасидаги қуруқлик транспорти тизимини туташтириш имконини беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифини илгари сурган эдим.

Ушбу ташаббус шериклар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланишига умид қиламиз.

**Учинчидан.** Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг индустриал тараққиётини жадаллаштирмоқда. Биз хомашё экспортини қисқартириш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кўпайтириш сиёсатини амалга оширяпмиз.

Шу маънода, саноат кооперациясини фаол ривожлантириш, биринчи навбатда, минерал-хомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш ва экспорт бозорларига чиқиш учун юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги қўшма корхоналар ташкил этиш тарафдоримиз.

Шу мақсадда саноат кооперацияси бўйича қўшма дастур қабул қилишни ҳамда қўшма инвестиция фондлари, сармояларни кафолатлаш ва суғурталаш каби воситалар ёрдамида икки мамлакат бизнес вакилларини аниқ лойиҳаларни амалга оширишга рағбатлантиришни таклиф этамиз.

**Тўртинчидан.** Пандемия муносабати билан иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларини тезлаштириш алоҳида долзарб аҳамият касб этди.

Халқаро савдо, божхона расмийлаштируви, транспорт, таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшма чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Электрон савдо майдончаларидан фойдаланиш ҳисобига савдо ҳажмларини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон электрон тижорат соҳасида истиқболли таклифларни амалга оширишда ҳамкорликка тайёр.

**Бешинчидан.** COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал кун тартибининг асосий масаласи бўлиб қолмоқда. Ушбу инқироз узоқ давом этиши эҳтимолдан холи эмас.

Ўз-ўзидан равшанки, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, тиббий товарларга эҳтиёжларнинг ортиши, молиявий беқарорлик ва глобал етказиб бериш занжирларининг бузилиши шароитида ҳеч бир мамлакат якка ҳолда пандемиянинг салбий оқибатларини енгиб ўта олмайди.

Вазият ушбу ҳаётий муҳим масалада жипслашишни, мувофиқлашган ва, энг муҳими, самарали ҳаракатларни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни, пандемия ва трансчегаравий тусдаги эпидемиологик таҳдидларга қарши курашишда тажриба алмашишни кучайтиришни таклиф этамиз.

**Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!**

ЭКСПО-2020 якунлари жаҳон савдосини тиклаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш жараёнига қўшимча суръат бағишлашига ишонамиз.

Кўргазманинг барча иштирокчилари фаолиятига муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# 25 ҚАВАТЛИ УЙ ҚУРИЛАДИ

## ҚОРАСУВДА



Вилоят ҳокимлиги қошидаги қурилиш-бунёдкорлик ишларининг қонун талаблари асосида олиб борилишини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш бўйича шаҳарсозлик Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар қўрғони, Қорасув массиви, Беруний, Озод Шарқ кўчалари ва Паст Дарғом тумани Найман маҳалласида барпо этилиши режалаштирилган кўп қаватли уй-жойлар қуриш лойиҳа эскизларининг тақдимоти ўтказилди.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги кенгаш аъзолари ҳар бир лойиҳани бирма-бир таҳлил қилди. Лойиҳалаштирилган биноларнинг ён атрофидаги мавжуд иншоотлар билан тегишли масофаси мавжудлиги, автомобиллар тўхташ жойлари, болалар майдончаси ташкил этилиши ва уларнинг жойлашувига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўнга яқин лойиҳалар кўриб чиқилди. Аммо кўп қаватли биноларни қуришга оид лойиҳаларнинг деярли барчаси рад этилди ва баъзиларини жойида кўришга қарор қилинди.

Кенгаш йиғилиши доирасида Э.Турдимов Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида барпо этилиши кутилаётган 25 қаватли турар-жой биноси ҳамда истироҳат боғи қурилиш ишлари билан танишди.

Массивдаги кўп қаватли уйнинг ертўласида фаолиятини бошлаган тикувчилик цехи кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ушбу цехда 80 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган ва уларнинг аксарияти шу ҳудудда яшовчилардир. Шунингдек, бу ерда турли спорт ва фан тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган.

Келгусида массивдаги бошқа кўп қаватли уйлар ертўласида ҳам шу каби ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш таклифи билдирилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Давлат мулкини сотиб олган харидорга

## маблағни 3 йилгача бўлиб тўлаш имтиёзи берилди

Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан вилоятимизда давлат активлари ислоҳ қилинадиган ва хусусийлаштириладиган 70 та объект рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, вилоятимиздаги 58 та бозор ва савдо комплексларидан келгусида самарали фойдаланиш белгиланди. Фармон бўйича ишлар 6 йўналишда ташкил этилади.

Республика бўйича трансформация қилиниши белгиланган 32 та йирик давлат корхоналаридан бири «Самарқандгеология» давлат унитар корхонасидир. Самарқанд шаҳридаги “2531-сонли автожамланма” ДУКда эса корпоратив бошқарув ва молиявий аудит тизими жорий этилади.

Хусусийлаштириш йўналишига вилоятимиздаги 36 та корхона киритилган. Шундан 32 та корхонанинг устав фондидаги давлат улуши йўналишларга кўра хусусийлаштирилади. Одатдаги тартибда хусусийлаштириладиган корхоналар, вилоятдаги таҳририятлар, тиббиёт корхоналари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб палас” меҳмонхона мажмуи ҳам хусусийлаштирилади. Аввалги қарорларга асосан хусусийлаштирилиши белгиланган 21 та давлат объекти ва хатлов натижасида аниқланган 13 та бўш турган кўчмас мулк объектлари қамраб олиниб, хусусийлаштирилиши белгиланган.

Фармонда давлат корхоналарини аввалги тартибда “ноль” харид қийматида эмас, эндиликда 1 сўмга тенг қийматда савдога чиқариш белгиланди. Амалиётда давлат объектлари “ноль” харид қийматида инвестиция ва ижтимоий мажбурияти билан берилганда айрим харидорлар белгиланган бизнес-режасини бажаришга маблағи етиш-етмаслигидан қатъий назар танловда қатнашиб, ғолиб бўлган ҳолатлар ҳам кузатилди. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун объектлар 1 сўмга тенг қийматда аукцион савдосига чиқарилади. Бунда харидорга инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар ҳам юклатилади.

Фармон билан корхоналарни соғломлаштириш ҳамда хусусийлаштириш клиникаси ташкил этилди.

Давлат активларини сотиб олаётган харидорлар учун маблағни 3 йилгача бўлиб тўлаш имтиёзи берилди.

Масъулияти чекланган жамият ёки акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олган харидорлар тўлаган маблағига яраша ўша корхонани бошқариш ҳамда сотиб олган акцияларига ҳисобланган дивидендлар олиш ҳуқуқи берилди. Фармонда келтирилган ва соф активи 100 миллион сўмдан ошмайдиган корхоналар баҳоланмасдан, соф активлари қийматида савдога чиқарилади. Бунда баҳолаш жараёнига сарфланадиган вақт ва маблағ тежалади.

**Суҳроб МАҲМАРАИМОВ,**
**Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

## ТАЙИНЛОВ

**ЭЛМУРОДОВ Самаджон Холбердиевич** - вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти бошлиғи.

**ЖАББОРОВ Исроил Исмоилович** - вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи.

**ҲАМИДОВ Лазиз Зоҳидович** - вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.

**БАҲРОМОВ Адҳам Абдуллаевич** – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи.





*Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид хабар ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳақидаги таҳлилий-танқидий мақолалардан биринчилар қаторида воқиф бўлишни истасангиз “Зарафшон”га обуна бўлинг!*

***Обунани матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда таҳририятнинг ўзида расмийлаштиришингиз мумкин.***




ОБУНА – 2021

**«Zarafshon» – барчамизнинг севимли газетамиз!**

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: **5502**

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» нима? Нега уни ташкил қилишга эҳтиёж туғилди. Умуман, жамиятда ушбу қатламга эътибор қаратилишидан қандай мақсадлар кўзланган?

# «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»

## муаммоларни бир кунда ҳал этиб берадиган сўров эмас

Яқинда мамлакатимиз раҳбари томонидан жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масала бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди. Тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.



Айни кунларда мазкур топшириқ ижроси юзасидан Иштихон тумани ва Каттақўрғон шаҳрида амалий ҳаракатлар бошланган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, касаба уюшмалари федерацияси ва бошқа ташкилотлардан келган гуруҳ аъзолари сўров натижаларини жамлаш, умумлаштириш ишларини ҳудуд вакиллари билан биргаликда амалга оширмоқда.

Иштихон туманига борганимизда бу ерда сўров ўтказиш ишлари жадаллик билан бошланганига гувоҳ бўлдик.

- Юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни «темир дафтар» тузилган эди. Энди худди шунингдек, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» шакллантирилмоқда, - дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайёра Жумаева. - Бу рўйхатлар «темир дафтар»дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ёшлар, хотин-қизлар киритилади. Улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади. Айни пайтда намуна сифатида Каттақўрғон шаҳри ва Иштихон туманида сўровлар ўтказилаётган бўлса-да, барча ҳудудларда уни амалга ошириш бошлаб юборилди.

Хўш, сўров ўтказилди, умумий натижалар жамланди, унинг умумий таҳлили натижаси нима бўлади? Аҳолининг қайси муаммоларини ҳал этишда ушбу жамланмалар асқотади? Биринчи навбатда сўровлар натижалари тўрт сектор фаолиятининг асосий йўналиши бўлади. Яъни, маҳалла фаолларидан тортиб, туман сектор раҳбарлари учун асосий дастур сифатида фойдаланилади. Қолаверса, давлат дастурларини тузишда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш кераклиги хусусидаги маълумотлар базаси сифатида қўлланилади.

Кейинчалик мазкур рўйхат асосида ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш мумкин. Масалан, оилавий психолог хизмати ва туман адлия бўлимлари орқали ҳуқуқий маслаҳатлар бепул ташкил қилинади. Дафтарлар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланилади.

- Маҳалламизда тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, - дейди Иштихон туманидаги Хонақа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хадича Қаландарова. – Айни пайтгача икки мингдан кўпроқ киши ўртасида сўров ўтказилди. Сўровни амалга оширишда маҳалла фаоллари, кўчабошилар, шунингдек, бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам ёрдам бермоқда. Муҳими, бирорта хонадон четда қолмаслиги ва сўровнинг ҳар бир саволига аниқ жавоб олишдир. Ушбу сўров амалга оширилгач, бизда мавжуд «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» янада мукаммаллашади. Сабаби, айни пайтда ўтказилаётган сўровда нафақат сўралганларнинг ижтимоий ҳолати, балки уларнинг қизиқишлари, қандай иш қўлидан келиши, қандай имкон берилса уни уддалаб кета олиши ҳақидаги фикрлар ҳам жамланади.

- Каттақўрғон шаҳрида "Ёшлар дафтари" ҳамда "Аёллар дафтари"ни шакллантириш юзасидан масъул раҳбарлар иштирокида хатлов ўтказилмоқда, - дейди Каттақўрғон шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Феруза Раҳимова. – Бунда адолатсизликка йўл қўймаслик, хатлов жараёнларида ҳеч ким эътибордан четда қолиб кетмаслиги учун шаҳар ҳокимлиги, ёшлар ишлари агентлиги ҳамда тегишли ташкилотлар масъуллигида ишлар олиб борилмоқда.

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Зарафшон» мухбири.**

*7 ноябрь – Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллуд топган кун*



# Элпарвар ва зукко зиёли

## Шароф Рашидов юрт дардига дармон излаб яшади

1956 йил апрель ойи эди. Мактабнинг 9-синфида ўқирдим. Дарсдан кейин биз, юқори синф ўқувчилари ота-онамизга дала ишларида ёрдам берардик. Бригадамизнинг шинамгина дала шийпонида тўпланаётган эдик, бир маҳал қўшни Қўриқовул қишлоғи томондан «Победа» русумли енгил автомашина дала шийпони олдига келиб тўхтади. Машинадан уч киши тушди. Улардан бири, не кўз билан кўрайликки, биз газеталарда суратини кўриб юрганимиз – Ўзбекистон Республикаси Олий Совет Президиумининг раиси Шароф Рашидов эди.

Ҳамроҳ бўлиб келганлар эса вилоят ва районнинг раҳбарлари экан. Бу кутилмаган учрашув ҳамон кечагидек ёдимда: у кишининг ҳар бир сўзи, ибораси одамни оҳанрабодек ўзига тортарди. Шароф Рашидов шийпондаги одамлар билан сиёсий жараёнлар хусусида суҳбатлашди, одамларнинг фикри билан қизиқди. Кейин бизга юзланиб, «Ўзбекистон бу йил давлатга қанча пахта беради?» деб сўради. Мен жавоб бердим. Шунда у киши «Баракалла, ана, ёшлар билан гаплашсак бўлар экан-ку», деб елкамга қоқиб қўйди.

Улуғ инсон билан бўлган бу илк учрашув келажак ҳаёт йўлимни белгилаб берганини ўша пайтда ким билибди, дейсиз?

Орадан йиллар ўтиб, тақдир мени яна бу инсон билан учраштирди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)ни битириб, хўжаликда бош иқтисодчи, вилоят партия қўмитасида масъул вазифаларда ишладим. Самарқанд вилояти ижроия қўмитасининг режалаштириш комиссияси раиси лавозимида ишлаб юрган кезларим эди. Ўзкомпартия Марказқўмига чақириб қолишди. Пойтахтга етиб бордим. Марказқўмнинг масъул ходимлари билан қисқагина суҳбатдан сўнг Шароф Рашидов қабулига олиб киришди. Хонада у кишидан ташқари Марказқўмнинг яна бир неча котиблари ҳам бор эди.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммолари ҳақида сўради. Шунингдек, бизнинг Тўполос қишлоғига қўшни Оққўрғон қишлоғида Иккинчи жаҳон урушида бирга хизмат қилган қуролдош дўсти Абдумажид Алимов тўғрисида ўтирганларга сўзлаб берди.

Суҳбат давомида бу инсоннинг самимий чеҳраси, мулойим сўзларидан кейин расмиятчиликка ўрин қолмади. Мени худди яқин дўстидек кўриб, самимий муносабатда бўлди. Мулоқот давомида халқ орасида у киши ҳақида айтилган сўзлар айни ҳақиқат эканига амин бўлдим. Шароф Рашидов менга кўп савол бермади ва ўтирганларнинг ҳам ортиқча савол беришига ўрин қолдирмади. «Сизни Марказқўм аппаратига ишга оламиз, шу ерда униб-ўсинг», деб суҳбатга якун ясади.

1975 йил 10 октябрдан бошлаб Марказқўм қишлоқ хўжалиги бўлимида сектор мудири бўлиб ишлай бошладим. Бу даргоҳда ишлаган йилларим ҳаётимнинг энг масъулиятли ва завқли дамлари сифатида, у кишининг аппарат йиғилишларидаги сўзларини эшитиш эса ширин хотира бўлиб қолган.

Шароф Рашидов билан 1977 йил 21 февралида яна суҳбатлашиш насиб этди.

Мени Самарқанд вилояти партия қўмитасининг қишлоқ хўжалиги бўйича котиблигига тавсия этишди. Москвага суҳбатга боришим лозим эди. Жўнашимдан олдин Шароф Рашидов ҳузурига чақиришди. Суҳбат қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик салоҳияти ҳақида борди. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб билганимча жавоб бердим... Кейин менга оқ йўл тилади у киши. Бу улуғ зот дуоси билан қарийб 12 йил обком котиби ва яна кўп йиллар бошқа масъулиятли лавозимларда ишлаб, ишончни оқлашга ҳаракат қилдим.

Шароф Рашидовдек буюк инсоннинг оталарча меҳри, ғамхўрлигини ҳис этиб, ишлаш насиб этганидан ўзимни бахтиёр деб биламан. У киши чин маънода ҳақиқий меҳнаткаш инсон эди. Жонига азоб бериб бўлса ҳам ўз вазифасини адо этишга одатланганди. Сиёсий бюро йиғилишларига тайёрланган ҳужжатларни ўқиб, унга тақризлар ёзиб бераверганидан бармоқлари қавариб кетганлигини ўз кўзим билан кўрганман. Вилоятларга чиққанида ҳашаматли дала ҳовли-ю (дача), ресторанлардан фойдаланмай турмуш ўртоғи Хурсанд ая билан вагонда яшар эди. Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятлари жуда кўплаб туманлар, хўжаликлар ташкил этилиши, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиб бўстонга айлантирилиши, Тошкентда метрополитен қурилиши, электрлаштириш, газлаштириш, завод-фабрикалар, равон йўллар қурилиши, 1966 йил Тошкент шаҳрининг зилziladан кейинги қайта қурилишлари бевосита Шароф Рашидов номи билан боғлиқ.

Шароф Рашидов чин маънода ўз халқининг жонкуяр раҳбари, Ватаннинг фидойи фарзанди эди. У киши республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилди, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшди.

Аммо тоталитар тузум унинг барча эзгу ишлари, хайрли саъй-ҳаракатлари, юрт ва халқ фаровонлиги йўлидаги хизматларини қоралади, ўзини эса ёмонотлиқ қилишга уринди.

Ҳақиқат эгилар, букилар, лекин синмас экан. Мустақиллик боис, бу инсоннинг номи оқланди, эзгу ишлари муносиб баҳосини олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдаги қарори билан атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича жойларда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

Ҳар сафар Тошкентга борганимда Тошкент метрополитенининг қурилишига барча ишчилар билан бирга ҳашарда ишлаётган Шароф Рашидов кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳа, у кишининг эзгу ишлари, эзгу ташаббуслари, эзгу битиклари хотирамизда мангу яшайди.

**Абдушукур МУҲАММАДҚУЛОВ,**
**I-даражали меҳнат фахрийси.**

# Жомбойда давлат хизматлари маркази биноси

## фойдаланишга топширилди

175 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туман аҳолиси эндиликда замонавий қулайликларга эга, инновацион марказ биносида тезкор ҳамда шаффоф хизматлардан баҳраманд бўлади.




Марказнинг янги биноси давлат-хусусий шериклик асосида қурилган бўлиб, энг замонавий ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланган. Аҳоли учун барча шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган марказнинг инновацион биноси барпо этилишида "Алижон қурилиш сервис" МЧЖ қурилиш жамоаси жонбозлик кўрсатди.

Марказда электрон навбат тизими 4 та мониторда акс этади, 20 та қабул ойнасида кўрсатиладиган хизматларда шаффофлик асосий мезон саналади. Шунингдек, бинода туман фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш бўлими, тадбиркорлар учун Бош вазир қабулхонаси, инвесторлар хонаси, нотариус бўлими, банк кассаси ташкил этилган. Бундан ташқари, кутиш залида мўъжаз кутубхона мавжуд бўлиб, фуқаролар бу ерда жаҳон ва ўзбек адабиётининг дурдона асарларини мутолаа қилиш имкониятига эга бўлишади.

– Олдинги бинода кутиш залининг торлиги боис, мурожаатчилар ичкарига кирса, қолганлари йўлакда кутиб қолишарди, – дейди марказ директори Р.Раҳматов. - Бу эса аҳоли учун ноқулайлик туғдирарди. Шундай бўлса-да, туман давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2020 йилнинг ўтган 10 ойида 24 177 та давлат хизмати кўрсатилди. Хусусан, 1069 тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. Хорижий инвестиция иштирокидаги 4 та корхона давлат рўйхатига олинди. Янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ошиб, бу кўрсаткични икки баробарга ошириш кўзда тутилган.

**Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси ахборот хизмати.**

# БУ – ФАКТ!

**Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатида вилоятнинг доимий аҳолиси сони 3 миллион 928,7 минг кишини ташкил қилмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 октябр ҳолатида 3 миллион 857,0 минг киши эди.**

Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

*8 ноябрь – Тиббиёт ходимлари куни*



*Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган "CALL-CENTER" аҳолига ижтимоий-тиббий хизмат қилишни кучайтириш, уларга тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш ҳамда "COVID-19" касаллиги белгилари пайдо бўлганда зарур маслаҳатлар ҳамда ахборотлар бериш билан шуғулланади.*

*Кўп тармоқли марказий поликлиникада жойлашган ушбу марказда 18 нафар ва Ингичка шаҳарчасида 2 нафар тиббий ходим 20 та мобиль телефон билан таъминланган. Ташкил қилинган 2 та мобиль гуруҳ учун 2 та "Тез ёрдам" машинаси ажратилган.*

**Ҳилола ЭРГАШЕВА олган сурат.**

# Ер ости бойликлари қандай ҳосил бўлади?



Минералнинг тупроқ ёки тупроқ ҳосил қилувчи она жинсдан фарқи унинг кимёвий таркиби (кимёвий элементлар сони ва унинг ўзаро бирикмаси) ва физик хусусиятлари (сув ва температура режими, катта-кичиклиги, синиши, қаттиқлиги) билан фарқ қилади. Масалан, тошкўмир 97 фоизгача углероддан, қолгани эса, учувчан моддалардан таркиб топган.

Иссиқлик бериши 7200–8750 ккал/кг. Оҳактош – карбонли бирикма бўлиб, унинг физик хусусиятларидан бири сувда тез эрувчанлиги ҳамда катта миқдорда энергия ажратиб чиқаришлиги.

Айрим мутахассислар ер ости бойликларини «ер ости қазилмалари» деб ҳам юритадилар. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки сайёрамизда учрайдиган 3 минг турдан ошиқ минералларнинг атиги 200–300 хил тури инсон фаолиятида «қазилма» бойлик сифатида ишлатилади, холос. Ундан ташқари, минераллар нафақат иқтисодий, балки экологик ва маданий-соғломлаштириш вазифаларини ҳам бажаради.

Ер ости бойликлари экологик тизимда турувчи, ер устининг табиий фундаменти, тупроқ ва уларни ҳосил қилувчи она жинсларнинг таркиб топишидаги минерал асоси эканлиги, минерал моддаларнинг кимёвий, физик ва биологик емирилиши натижасида она жинслар ҳосил бўлади ҳамда организмларнинг фаолияти туфайли улар тупроққа айланади. Бундай табиий жараён орқали ер ости минераллари экотизимда модда ва энергия алмашинувида иштирок этишини таъминлаб беради.

**Бобур САНАҚУЛОВ,**
**Булунғур туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бўлими бошлиғи.**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан давлатимиз раҳбарининг "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорини кенг тарғиб қилишга доир давра суҳбати ўтказилди.

# Партия танлов ўтказади

Қайд қилинганидек, 8 та йўналишни ўз ичига партия сайловолди дастурида расмий ҳамда оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ ва мақсадли ишларни олиб бориш асосий масалалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада 21 октябрь куни партия вилоят кенгаши ҳузурида "Ўзбек тилини ўқитиш маркази" очилди.

Бир неча йилдирки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Навоий ворислари" лойиҳасида буюк мутафаккир ижодига бефарқ бўлмаган, унинг ғазалларини тўлиқ ёд оладиган ва ғазал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаб берадиган 14 мингдан ортиқ иқтидорли ёшлар кашф этилди.

- Сўз мулкининг султони ижодига қизиқиш ва уни ўрганишга интилиш "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан ўтказилаётган "Навоий ворислари" танловига тайёргарлик жараёнида янада ортган, - дейди танловнинг 2018 йилги иштирокчиси Севинч Юсупова. - Бу йил шу интилишим ва партиянинг хайрихоҳлиги натижасида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси бўлдим.

Партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурида Навоий ижодини том маънода халқ мулкига айлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, "Навоий ворислари" кўрик-танловининг қамровини янада кенгайтириш назарда тутилган. Шоир таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президент қарорида бу ташаббуснинг қўллаб-қувватлангани Навоийнинг яна минглаб издошларини кашф этиш ҳамда ёшларнинг китобга бўлган муҳаббатини оширишда беқиёс аҳамият касб этади.

**Озода НОРИМОВА,**
**партия вилоят кенгаши бош мутахассиси.**

*Устозни хотирлаб*

# Нилуфар гул ўстирган олим

Онгли ҳаётини, билим ва иқтидорини ўсимликлар оламини ўрганишга бағишлаган фидойи инсон Ўктам Муқумов таваллудининг 90 йиллиги нишонланиши факультетимиз жамоасига фахр ва ғурур бағишлайди. Устознинг илм-фан равнақи йўлидаги хизматлари ёш авлод учун катта бир мактаб десак, муболаға бўлмайди. Унинг ҳаёт фаолиятига назар ташлар эканмиз, умрининг асосий қисми факультетимиз таълим жараёни билан боғлиқ ҳолда кечганига гувоҳ бўламиз.



Устознинг она табиат, унинг ўсимликлар оламига муҳаббати мактаб партасидаёқ уйғонган бўлса, ажабмас. Ў.Муқумов 1930 йилда Тойлоқ тумани Жумабозор қишлоғида туғилди. Боғбон оиласида вояга етгани, ўсимликлар дунёсига қизиқиши мактабни тамомлагач, 1948 йилда Самарқанд мева-сабзавот техникумига бошлаб келди. Бу даргоҳда ўқиш танлаган соҳасига меҳрини янада оширди. 1952 йилда техникумни битириб, аввалги Комсомол, ҳозирги Самарқанд туманида агроном сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Касбини пухта эгаллагани, ташкилотчилиги инобатга олиниб, 1953 йилда Ургут туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси агрономлигига тайинланди.

Ўктам Муқумов илмий ишларга мойиллиги, ўсимликлар оламини чуқур ўрганишга иштиёқи боис 1958 йилда СамДУ биология факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди ва университет қошидаги Ботаника боғида ишлади. 1964 йилда биология факультети юксак ўсимликлар систематикаси кафедрасига лаборант вазифасига ишга қабул қилинди. Устознинг шундан кейинги илмий-амалий фаолияти ғоят жўшқин кечди. Талабалар билан дала амалиётлари ўтказиб, ўсимликларни уларга таништирди. Жумладан, Бахмал тумани Жумсойда ўсадиган дарахт, бута, ёввойи ҳамда доривор ўсимликларнинг турлари, биологик хусусиятларини ўрганди.

1969 йилда СамДУ ректори, академик Ё.Тўрақулов ташаббуси билан биология факультети қошида оранжерея қурилди. Унинг ўсимликлар коллекцияси янги турлар билан тўлдирилиб борилди.

Ўша йиллари юксак ўсимликлар систематикаси кафедраси талабалари Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Болтиқбўйи ва Россиянинг йирик ботаника боғларида ўқув ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиб, доцентлар Х.Муқумов, М.Ҳалимов, Ў.Муқумов раҳбарлигида ўзаро оранжереялари ўсимликлари турларини кўпайтириб бордилар.

1980 йилда ботаника кафедраси қошида иссиқхонани ўсимликлар билан бойитиш мақсадида раҳбарият Ў.Муқумовни ишга таклиф қилди. У оренжереяда банан, хурмо, лимон, мандарин, кофе, лавр дарахтлари ва бошқа ўнлаб хилма-хил ноёб ўсимликларни ўлкамизда иссиқхона шароитида ўстиришни йўлга қўйди. Шу билан бирга манзарали сув ўсимликлари – нилуфар гул, сув гиаценти, сув карами ўстирди. Ҳозирги кунда факультетимиз оранжереясида 300 га яқин манзарали ва доривор ўсимликлар турлари кўпайтирилмоқда. Улар шаҳримизга ташриф буюраётган сайёҳлар ва меҳмонларни жалб қилмоқда. Мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари талабалари, ёш тадқиқотчилар келиб туришади. Дунёда камдан-кам учрайдиган ноёб ўсимликлар катта коллекциясига эга оренжереяни ташкил этишда катта ҳисса қўшган Ўктам Муқумовни миннатдорчилик билан эслаймиз.

Ўктам Муқумовдан қобил фарзандлар, ёрқин хотиралар, фанга қўшилган беқиёс ҳисса, яхши ном қолди. Устознинг илм-фан равнақи, она табиат, унинг ўсимликлар оламини асраш, бойитишдаги фаолияти биз учун ибратдир.

**Холмурод ЖАЛОВ,**
**СамДУ биология факультети доценти.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

## «SAMARQAND MULK MARKAZI»

**масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

Савдога Самарқанд вилоят ИИБ ЙҲХБнинг 30.10.2020 йилдаги 11/1864-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 157-"А" уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: **1) А/м. «ВАЗ-2108».** 1989 й. и/ч., д/б. 30 758 VSF, т/н. Б.б. – 2 829 000 сўм. **2) А/м. «ВАЗ-2106».** 1991 й. и/ч., д/б. 30 748 VSF, т/н. Б.б. – 2 571 000 сўм. **3) А/м. «OPEL VEKTRA».** 1994 й. и/ч., д/б. 30 795 VSF, т/н. Б.б. – 5 585 000 сўм. **4) А/м. «НЕКСИЯ».** 1998 й. и/ч., д/б. 30 789 VSF, т/н. Б.б. – 11 890 000 сўм. **5) А/м «НЕКСИЯ».** 1999 й. и/ч, д/б. 30 752 VSF, т/н. Б.б. – 12 740 000 сўм. **6) А/м. «НЕКСИЯ».** 1999 й. и/ч., д/б. 30 764 VSF, т/н. Б.б. – 12 779 000 сўм.

Аукцион савдоси **2020 йил 9 декабрь куни соат 11:00 да** бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Ушбу автомашиналар 9 декабрь куни сотилмаган тақдирда уларнинг такрорий аукцион савдолари **16, 23 ва 30 декабрь** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Ҳ/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13.**

*Хизматлар лицензияланган.*

## МАЛАКА ОШИРИШ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-5789-сон фармони ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита ҳамда касбий фаолиятга алоқадор билвосита шаклларини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этишни таъминлаш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузурида Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ташкил этилди ҳамда ўз фаолиятини бошлади.

Тармоқ марказининг низоми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 14 ноябрдаги 1044-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Тармоқ марказида асосан ветеринария медицинаси ва зооинженерия таълим йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилган бўлиб, тингловчилар контингентини олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ташкил этади. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан малака оширувчилар масофавий, мустақил ва муқобил турда малака оширадилар.

Тармоқ марказида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари йиллик режасига асосан амалга оширилади.

**Мурожаат учун манзил:**
Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй.
**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
66-234-21-88, 90-522-01-85.

## Жамолиддин АБДУЛЛАЕВ



Бешафқат ўлим таниқли акушер-гинеколог, моҳир шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жамолиддин Абдуллаевни орамиздан олиб кетди.

Ж.Абдуллаев 1960 йилда Самарқанд туманида туғилди. 1983 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлаб, фаолиятини ушбу даргоҳда бошлади.

Дастлаб институт клиник ординатори, сўнгра акушерлик ва гинекология кафедраси аспиранти, ассистенти бўлди. 1994-1998 йилларда Санкт-Петербургдаги Д.Отто номли акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтида таҳсил олди ва докторант илмий даражасига эришди.

2002 йилда ўзи фаолият юритиб келаётган йўналишда илмий диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, профессор унвонини олди.

Ж.Абдуллаев тиббиёт соҳасидаги кўп йиллик тажрибасини нафақат ёш тиббиёт ходимларини тайёрлашга, балки бир вақтнинг ўзида Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқхонаси врач акушер-гинекологи бўлиб ишлаган чоғида амалиётда кенг қўллади. Хорижий ва республика етакчи илмий нашрларида 150 дан ортиқ мақола чоп эттирди. Муаллифлигида 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма, 20 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма нашр қилинди.

Домла 2020 йил январь ойидан буён Самарқанд давлат тиббиёт институти дипломдан кейинги таълим факультети акушерлик ва гинекология кафедраси профессори лавозимида ишлаб келаётган эди.

Жамолиддин Насимович юқори малакали акушер-гинеколог сифатида замонавий билимга эга тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва тарбиялашда, айниқса, оналар ва болалар ўлимини камайтиришга муносиб ҳисса қўшиб, беморларга кўрсатилаётган ёрдам сифатини юксалтириш борасида самарали фаолият олиб борган тажрибали шифокор эди.

Меҳрибон устоз, изланувчан олим, камтарин инсон Жамолиддин Абдуллаевнинг порлоқ хотираси институт жамоаси ҳамда унинг шогирдлари қалбида абадий сақланиб қолади.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 7 августда 750557 реестр рақами билан рўйхатга олинган «BIZNES CENTR SAMARQAND» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «BIZNES CENTR SAMARQAND» МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2020 йил 4 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306630969.

* * *

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 18 майда 847920 реестр рақами билан рўйхатга олинган «TRIALLIANCE» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «TRIALLIANCE» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 4 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мевазор кўчаси,31-уй, 33-хона.**

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307381534.

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Умарова Сарварга (2012 йил 7 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Мамедов Даниярга (2001 йил 16 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.**

* * *

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Очилов Рашид Тошевичга (2018 йил 17 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Жураев Абдулвахидга (2011 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Шукурова Ядгаройга (1988 йил 12 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Баймухамедова Мукаддамга (2009 йил 13 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан 2019 йилда Атаева Шохирага қарашли Самарқанд тумани Қорасув маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 112-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Шерқулов Ўткирбек Абдураззоқ ўғли номига берилган UM № 0151860 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд туман филиалидан Пармонов Азизбек Сарибаевичга қарашли Самарқанд тумани Чақа маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги "TIMUR METALL ART" хусусий корхонасининг (СТИР: 302152348) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги "BULUNGUR SAVDO TAYYORLOV" унитар корхонасининг (СТИР 305159224) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Жуманова Малоҳат Абдусаломовна номига берилган O'R-Z № 1295718 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 5-ўрта ҳунар-техника билим юртидан 1993 йилда Ибрагимов Илҳомга берилган № 0546331 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

«SAMARQAND DORI-DARMON» акциядорлик жамиятининг (СТИР: 200610747) 196-сонли дорихона шохобчасига тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан 2017 йил 19 декабрда рўйхатга олинган завод рақами 01864355 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги Джураев Хасан Талибоевич якка тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 610104117) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2014 йил 4 ноябрда «NAVO DAM OLISH MASKANI» оилавий корхонасига (СТИР: 303001921) қарашли Самарқанд шаҳри Чўпонота масканида жойлашган «Чўпонота дам олиш маскани ва истироҳат боғи» учун берилган 29 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Камолова Парвина Мусиновна номига берилган U № 1896459 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2016 йилда Фузайлов Хошимга (марҳум) қарашли Самарқанд шаҳри Абдулла Рудакий кўчаси, 1-йўлак, 8-уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Содиқова Шоҳсанам Латифовна номига берилган U № 1876405 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Асламова Маъмура Бахронкуловна номига берилган O'R-A № 778284 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2013 йилда Ишонқулов Аслам Уринбоевичга қарашли Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 33-уй, 39-хонадон учун берилган 2/826-39 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан 2003 йилда Азизова Қаноат Раззоқовнага қарашли Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 48-уй, 45-хонадон учун берилган 2/908-45 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси институт педагогика ва психология кафедраси доценти

**Эрмат ИСКАНДАРОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Самарқанд давлат тиббиёт институти акушерлик ва гинекология кафедраси профессори

**Жамолиддин АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Шундай қилиб, Бухорода ҳали “инқилоб” бошланмасдан туриб, Тошкентда РКП (б) МК ва РСФСР ҳукуматининг ваколатли органлари бевосита раҳбарлигида “инқилоб” ғалаба қозонгандан кейин ўрнатиладиган янги тузум ва давлат шакли қандай бўлиши кераклиги аниқлаб олинди. Гап энди фақат даъват қилиниши лозим бўлган “инқилоб”-нинг ўзини амалга оширишда қолган эди. Бу жараёнларда Бухоро Коммунистик партияси ва инқилобчи “Ёш бухороликлар” партияси раҳбарлари ўртасида кескин тортишувлар ва жиддий мунозаралар юзага келган бўлса ҳам улар Россия большевиклари фикрини қабул қилишди ва ҳарбий ёрдам сўралди.

**“1920 йил 21 августда Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе ва Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси Ю.Иброҳимов РСФСР Ҳарбий ишлар халқ комиссари Л.Троцкий номига телеграмма йўллаб, Бухорони босиб олишга ҳамма нарса тайёр эканлигини маълум қилганида, большевикларнинг раҳбарларидан бири И.Сталин бу телеграммага “ўртоқ Фрунзе рецептига кўра зудлик билан ҳаракат қилинг”, деб резолюция қўйган. Бу жумланинг остига эса В.И.Ленин ва Н.Бухарин “розиман”, деб қўл қўйишган.”**

1920 йил 16-18 августда Чоржўйда Бухоро коммунистларининг 4-съезди бўлиб, унда амирга қарши қўзғолон кўтариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Большевикларнинг маккорона режала-

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

Тарих қатидаги ҳақиқат:

# БУХОРО АМИРЛИГИ ҚАНДАЙ ТУГАТИЛГАН ЭДИ?



ри амалга оша бошлаган. Тарихда “ялпи қўзғолон” деб аталган ҳаракат 1920 йил 23 августда коммунист Бешим Сардор бошчилигидаги ёлланма туркман отлиқларининг Чоржўй яқинидаги Сақор Бозор қишлоғини ишғол қилиши билан бошланди. Бешим Сардор ва Янги Чоржўй коммунистлари дарҳол Эски Чоржўйни ишғол қилганлар, юздан ортиқ амалдорлар қамоққа олинган. Чоржўй беклиги хазинаси қўлга киритилиб, бу бойликлар дарҳол Чоржўй ревкоми ва янги ҳукумат қўлига ўтган. Большевиклар билан бўлган аввалги келишувга кўра шу куни Чоржўй ревкоми “Бутунбухоро халқи номидан” Туркистон фронти қўмондонлигига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ваҳоланки, Бухоро халқи коммунистлар съезди қароридан ҳам, Бешим Сардор исёнидан ҳам бехабар эди. Хуллас, Бухоро тақдири қизил қўшин ихтиёрига топширилди.

М.Фрунзе “ёрдам” сўраш тўғрисидаги мурожаатни олгач, Туркистон фронти қўшинларини тўртта зарбдор гуруҳ (Самарқанд, Каттақўрғон, Чоржўй ва Коғон)га ажратади. Самарқанд гуруҳи 29-30 августда Шаҳрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб, Қарши ва Ғузорни эгаллаши, Каттақўрғон гуруҳи эса шу кунлари Хатирчи, Зиёвуддин ва Карманани олиши, Чоржўй гуруҳи Эски Чоржўйни эгаллаб, Амударёнинг Афғонистон билан чегараларини назорат қилиши, Фороб ва Қоракўлни босиб олиб, қўшимча буйруқни кутиб туриши лозим эди. Асосий вазифа Коғон гуруҳи зиммасига юкланди. У Эски Бухоро шаҳрини босиб олиши, амир Олимхонни асирга тушириши ва Арки олийдаги хазинани эгаллаши керак эди.

1920 йил 25 августда қўмондон М.Фрунзе Туркистон фронти қўшинларига “қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида” буйруқ берди. Зарбдор гуруҳларнинг кўпчилигига дастлабки марраларни эгаллаш ва 29 августга ўтар кечаси фаол ҳаракатларни бошлаш буюрилди. Босқинчи қизил армия томонидан пойтахт Бухоро шаҳрига ҳужум ҳам 29 августга ўтар кечаси бошланди. Ҳал қилувчи жанглар Бухоройи шариф дарвозалари яқинида рўй берди. Бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди қуйидагича ёзган эди: “Шаҳар маркази ер билан яксон қилинди. Жанг давомида кўплаб самолётлар ва замбараклар ишга солинди. Минглаб снарядлар ва бомбалар Эски Бухоро устига ёғдирилди. Шаҳар ҳимоячиларидан ташқари кўплаб бегуноҳ кексалар, аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Юзлаб аҳоли уй-жойлари, меъморчилик ва тарихий обидалар ер билан яксон бўлди. Регистон ёндирилди”.

Эски Бухоро шаҳри 29 августдан бошлаб ҳам ҳаводан, ҳам ердан қаттиқ бомбардимон қилинган. 1-2 сентябрь кунлари Бухоронинг Қарши дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ҳамда Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари яқинида жойлаштирилган тўплардан шаҳарга 12 мингта снаряд ташланган, 12 та ҳарбий аэроплан эса шаҳар устида 3 кун мобайнида бомба ёғдирган. Бир неча юз минг дона патрон сарфланган. Шаҳарнинг Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 килограммдан ортиқ порох кўмилиб портлатилган. Қулаб тушган дарвозалардан қизил аскарлар шаҳарга бостириб кирганлар. Муқаддас Бухоройи шарифда қақшатқич кўча жанглари бошланиб кетган.

**“Амир Олимхон шаҳар обидалари ва аҳолини омон сақлаш мақсадида пойтахт Бухоро шаҳрини ташлаб чиқиб кетган. Қизил қўшин аэропланлари уни қидириб топиш баҳонасида Бухоро шаҳридан ташқари шаҳар атрофидаги қишлоқларни, тарихий обидалардан Ситораи Моҳи Хосани бомбардимон қилган. Шафқатсиз ўқ ёмғирлари ва бомбардимон натижасида шаҳар обидаларининг 3/5 қисми вайрон этилиб, минглаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлган.”**

Шундай қилиб, 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амирлик тузуми қизил аскарлар томонидан қурол кучи билан ағдариб ташланган. Ўша куни қизил аскарлар Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи – Арк (Арки олий)ни эгаллаб, унинг устига ўз байроқларини тиклаган. Қизил армиянинг Бухородаги босқинига бошчилик қилган М.Фрунзе Москвага –В.И.Ленинга телеграмма йўллаб, Эски Бухоро қалъаси қўлга киритилганлиги ҳамда “Бухоро мустабидлари ва қора гуруҳларининг охирги таянчи тугатилган”лигини “зўр мамнуният” билан таъкидлаган.

Бухоро шаҳрини босиб олган қизил аскарлар Аркдаги амир хазинасини, Бухоро қозикалони, қушбегиси ва бошқа сарой амалдорларининг бутун бойликларини талон-торож қилганлар. Хусусан, Туркистон фронти қўмондони М.Фрунзе, Бухоро қўшин группасининг бошлиғи И.Белов, кўплаб қизил армия командирлари ва оддий жангчилар катта бойликни ўзлаштирганлар. М.Фрунзе ва Файзулла Хўжаев бошчилигидаги инқилобчи “Ёш бухороликлар” партияси раҳбарлари вайрон қилинган ва таланган Бухоройи шарифга қизил аскарлар ҳамроҳлигида кириб келишган.

**Қаҳрамон РАЖАБОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

***(Давоми бор)***

Кутлов

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларини

“ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ”

байрами билан самимий қутлайди.

*Ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси мамлакатимизда “Тиббиёт ходимлари куни” сифатида кенг нишонланмоқда. Шифокорлик энг машаққатли ва шарафли касблардан бири ҳисобланади. Бизнинг маҳоратимиз, малакамиз, масъулиятимиз инсонларнинг ҳаёти ва тақдирида муҳим ўрин эгаллайди.*

*Халқ саломатлиги йўлидаги ишларингиз ҳамиша бардавом бўлсин. Барчангизга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оилавий бахт ва улкан зафарлар тилаймиз!*




БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 9 724 нусхада чоп этилди. Буюртма 660

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009